



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 170 (12.983)

Баҳоси эркин нарҳда

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

МУСТАҚИЛЛИК • INDEPENDENCE • ЎЗБЕКИСТОН
24



ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ:



БАХТЛИ МАМЛАКАТНИНГ БАХТИЁР ФАРЗАНДЛАРИ

Пойтахтимизда Энг улуг, энг азиз
байрам — Ватанимиз
Мустақиллигининг 24 йиллиги
муносабати билан “Бетакроримсан,
ягонасан, она Ватаним —
Ўзбекистоним!” шиори остида
“Истиқлол фарзандлари” ёшлар
фестивали бошланди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур фестивалда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган иқтидорли ёшлар, жумладан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, “Нихол” мукофоти, “Ўзбекистон белгиси” кўрак нишони совриндорлари, халқаро олимпиадалар, танловлар, спорт мусобақалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг йирик лойиҳалари қўлиблари иштирок этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, уларни мамлакатимиз тараққиёти таъминлаш йўлидаги эзгу ишларга рағбатлантириш, онгу шуурини дахлдорлик, бунёдкорлик, келажакка ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. “Истиқлол фарзандлари” ёшлар фестивали бу борадаги эзгу ишлардан бирidir.

Фестиваль иштирокчилари дастлаб мамлакатимизнинг бош майдонида бўлиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

— Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, юртимизда ёш авлод камолоти ва истиқболи барча эзгу интилишларнинг пировард мақсади эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, — дейди “Юрт келажак” кўрик-танлови қўлиб, Жиззах политехника институти талабаси Бекзод Донабоев. — Эл-юртимиз гурури-ифтихори, миллий давлатчилигимиз тимсолиларидан бўлган мазкур майдон мамлакатимизнинг ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаётгани ва ҳар томонлама обод бўлиб бораётганини яққол ифодаб турибди.

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг ўқиб-изланиши, касб-хунар эгаллаши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун қўмаклашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Бу ҳар бир йигит-қизини катта мақсадлар сари интилишга, пухта билим олишга, янгиликлар яратишга, қисқача айтганда, Ватан тараққиётига ҳисса қўшишга руҳлантирмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган шаҳрининг Конституция хиббонида янги барпо этилган мусиқали фаввора фойдаланишга топширилди. Наманганда бугунги кунда шаҳарсозлик андозаларига мос равишда барпо этилган 60 га яқин бир-биридан кўркам ва гўзал фаввора ишлаб турибди.

● Фарғона шаҳридаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси вилоят кенгашининг “Ёш адолатчилар” қаноти томонидан “Обод элнинг озод фарзандларимиз!” мавзусида ижтимоий роликлар кўрик-танлови ўтказилди. Тадбирда Ватанимизнинг эртанги тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодни камолга етказиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани таъкидланди. Ўтган даврда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган йигирмадан ортиқ қонун қабул қилинди, ўттиздан зиёд халқаро ҳужжат имзоланди.

● Самарқанд шаҳрида “Ўзбектуризм” миллий компанияси Самарқанд минтақавий бўлими масъул ходимлари иштирокида брифинг бўлиб ўтди. Тадбирда “Шарқ тараоналари” ўнинчи халқаро мусиқа фестивалига кўрилатган тайёргарлик, хорижий меҳмонлар ва сайёҳларга замонавий туристик хизматлари кўрсатиш ҳақида ҳам сўз юритилди.

ЖАҲОНДА

● Кувайтдаги нефтни қайта ишлаб чиқарувчи Эш-Шуэйба заводи бўлимларидан бирида портлаш ҳолати келди. Ташкилотнинг барча ходимлари эвакуация қилинди. Ҳодиса сабаблари ва тафсилотлари маълум қилинмади. KUNA агентлигининг хабар беришича, маҳаллий вақт бўйича 11:30 да заводда ёнғин бошланган. Портлаш натижасида ҳеч ким жабрланмаган.

● Туғма кўр ҳисобланган ҳиндистонлик Пранав Лаъл кўзи ожиз одамларга маконда мўлжал олишни осонлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган дастур ёрдамида овозли фотосуратлар тайёрлашни ўрганди. VOICe номли дастур дастлаб рангли тасвирни оқ-қорага айлантиради, сўнг ўзига хос йўл билан уни чапдан ўнгга томон “ўқиб”, англаш мумкин бўлган деталларни овоз ёрдамида “таржима қилади”. Объектлар баландлиги оҳангнинг кучайиши билан, ёрқинлик эса баландлиқнинг кўтарилиши билан узатилади.

● Американинг Apple компанияси хусусий интернет-телевидение хизматида ишга туширишни 2016 йилга кўчириш тўғрисида қарор қабул қилди. Apple интернет орқали ишловчи телевидение хизматини 9 сентябрь кун Сан-Францискода тақдим этишни режалаштирган эди. Бироқ бунинг учун CBS, Fox ва NBC телекомпанияларидан лицензия олиш жараёни кутилганидан кўпроқ вақт талаб этиши маълум бўлди.

Айни кунларда бутун республикада Энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 24 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлида кўтаринки руҳда саяё-ҳаракатлар олиб борилмоқда. “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида турли маданий-маърифий тадбирлар, улуг айём нашидасини тараннум этувчи, эришилган ютуқлар салмоғини кўрсатувчи учрашувлар ўтказилмоқда.

Мустақиллик йилларида ҳавас қилса арзигулик ижтимоий-иқтисодий йўналишларда эришилган ютуқларни биргина Шайхонтоҳур тумани мисолида кўрадикан бўлсақ ўзимиз ҳам бунга ишонч ҳосил қиламиз.

Кейинги йилларда туманда замонавий, қўлай ҳамда жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган кўчалар (Алишер Навоий, Нурафшон, Абдулла Қодирий), кўп қаватли уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Биргина Алишер Навоий кўчасида 8 та замонавий уй-жойлар қурилди. Бу каби бунёдкорлик ишлари босқичма-босқич куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида “Самарқанд дарвоза”, “Новза”, “Чакра”, “Шодлик” каби маҳалла фуқаролар йиғинлари учун замонавий гузарлар қурилди. Юртбошимиз ташаббуслари билан барпо этилган Хадра кўпирини эса, мамлакатимизнинг ҳеч қаеридан учрамайдиган, замонавий техникалар билан жиҳозланган иншоот бўлди десак, муболага бўлмайди.

Аҳолининг мазмунли, маданий ҳордиқ чиқариши учун ўтган 24 йил ичида “Хадра” майдони, “Шоирлар боғи”

каби масканлар қайтадан таъмирланган бўлса, “Ибн Сино” гузари ҳамда “Гулзор” майдони янгидан ташкил этилиб, аҳоли эҳтиёжи учун фойдаланишга топширилди. Туманда жами 3 та кинотеатр, 5 та театр, юртимизда ягона бўлган Ўзбек давлат цирки фаолият юритмоқда. Ушбу муассасалар мустақиллик йилларида тўлиқ қайта таъмирланди. “Хадра” майдонида, Алишер Навоий кўчаларидаги янги уйлар олдида ва “Шоирлар боғи”да қурилган катта фавворалар шаҳар кўрқига кўрк қўшмоқда. Тумандан оқиб ўтувчи Анҳор бўйи йўлга замонавий талаблар асосида қайта таъмирланиб, аҳолининг маданий эҳтиёжи учун қўлайликлар яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида туманда жойлашган қадимий “Эски Жува” деҳқон бозорида ҳам салмоқли ишлар олиб борилиб, унга замонавий шарқона кўрк берилиб, тадбиркорларга, айниқса, аҳоли учун қўлай шароитлар яратилди. Шу билан бир қаторда бугун туманда “Самарқанд Дарвоза”, “Korinka.uz”, “Медиа Марказ” каби замонавий гипермаркетлар фаолият юритмоқда. Алишер Навоий, Фурқат кўчаларида замонавий кўринишдаги савдо мажмуалари халқимиз эҳтиёжи учун хизмат қилмоқда. Шунинг билан таъкидлаш лозимки, бугун туманда 5 мингга яқин хусусий тадбиркорлар фаолият юритмоқда.

2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида эришилган асосий иқтисодий кўрсаткичларга назар солидиган бўлса, туманда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми — 737,0 млрд.сўм, ҳудудий саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми — 276,0 млрд.сўм, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми — 299,3 млрд.сўм, асосий капиталга инвестиция ҳажми — 295,6 млрд.сўм, пудрат-қурилиш ишлари ҳажми — 177,0 млрд.сўм, чакана савдо айланмаси ҳажми — 746,8 млрд.сўм, жами хизматлар ҳажми — 1296,1 млрд.сўм, пуллик хизматлар ҳажми — 285,2 млрд.сўм, маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариш ҳажми — 18,3 млрд.сўм қилиб ортиғи билан бажарилганини кузатиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда бўлса, ўзининг қадим тарихига эга бўлган Шайхонтоҳур тумани аҳолиси энг қадрли, энг азиз бўлган — Мустақиллик байрамининг 24 йиллик санасини ишда салмоқли ютуқларга эришиб, кўнгилда келажакка ишончли мустаҳкамлаб, ёруғ юз билан кутиб олишга аҳд қилган.

(Шайхонтоҳур туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Ҳашар — элга ярашар!

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН

22-23 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади

Мустақиллик шарофати билан Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда, жумладан, Тошкент шаҳрида кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилаёпти. Айниқса, кенг жамоатчилик томонидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари катта эътибор бериб келинмоқда. Халқимизда “Ҳашар — элга ярашар” деган нақл бор. Шунга амал қилган ҳолда жойларда ҳашарлар ташкил этилиши ҳудудлар ободлигига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда байрамлар ва кутлуг кунлар олдидан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва орасташга муҳим эътибор қаратган ҳолда ҳашарлар ўтказиш ҳайрли одатга айланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамини “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, бегараз ёрдам, меҳр-муруват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, пойтахтимизнинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг 22-23 август кунлари юртимизда, шу жумладан пойтахтимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.



Маълумки, шаҳримизда август ойи ободонлаштириш ва тозалик ойлиги деб эълон қилинган. Шу ой давомида кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга қўмаклашиш, барча турар жой маззелари, маҳаллаларда дархатларни оқлаш ва буташ, кўча ҳамда йўлакларни текислаш, тартибга келтириш, умумхалқ ҳашари катнашчиларини зарур техника воситалари ва анжомлар билан таъминлаш чоралари кўриломоқда.

Шу билан бир қаторда “Махсустрас” корхонаси ва туман ҳокимликлари томонидан ободонлаштириш ишлари ўтказилиши жараёнида тўпланган чиқиндиларни белгиланган жойларга олиб чиқилишини таъминлаш амалга оширилмоқда.

Ҳашар ўтказилиши муносабати билан барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридидаги маблағлари “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар ва



туман бўлимларининг банкдаги ҳисоб рақамларига ихтиёрий равишда ўтказилади.

“Маҳалла” хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан хайрия ҳашаридан тушган маблағларнинг “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, кам таъминланган оилаларга, ижтимоий ғимояга муҳтож кексаларга, пенсионерларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уй ҳўжалик ишларига қўмаклашиш, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини яхшилаш каби тадбирларга сарфланиши кўзда тутилган.

Азиз ҳамшаҳарлар!

Халқимизда “Ободлик кўнгилдан бошланади” деган ажайиб ҳикмат бор. Бу хайрли ишларга ҳар биримиз, оиламиз ва фарзандларимиз билан биргаликда бош қўшсак масканимиз обод, кўнгилмиз шод бўлади. Чунки ҳашар инсон дилини ёруғ ва равшан этиб, кўнгилни янада обод қилади.

